пул ундиришимаса бўлгани**

Марказий бокка етиб борсак, кириш дарвозаси олдида иккига йигит келганлардан пул олиб киритилти. Ҳайрон бўлдик, чунки шу вакттacha бу жой хеч качон пулли бўлмаган да. Бог дарвозаси томон юришимиз билан ҳалиги йигитлар тўхтатди. Ҳайрон бўлганимизни кўриб: «Олдин белуп эди, энди пул тўлаб кирависи» — дейди. Жалим чиқиб, нега энди пулли бўлади, кимдан чиқди бундай бўлмагур ғоя, дея дарвозабон йигитни сўркка тутдим. Улар эса елка кисиши: «Биз билмаймиз, таъмирдан чикках хокимиятдан шундай бўйруқ бўлди-да...»

Ноилож кайтиб кетдик. Атрофни айлансан, марказий bogингни ҳар доим очик турдиган орка томондаги дарвозаси ҳам ёник, гир айлантириб, тўсиклар килинган, дарвозлар олдига одам кўйилб қоққа кириш нархлари ёзилган пештахлар осилган.

Яна бир воея: адашмасам, мустакиллик байрамидан уч-тўрт кун олдин эди. Кечкурун жиянларимни олиб, Гулистан шаҳридаги «Юрт байроби» борига қараб ўйл олдик. Узоқдан чироклар ёғуси, ҳар хил тусга кириб отилабтган фавораларни, чироили ҳайкаларни кўриб тўрт ёшли жиянум ўзида ўйк ҳурсанд эди. Мен эса ҳозир ёнига бориб томоша қиласмиз, деб уларни кизиктирадим. Аммо хиёбонга қадам ташлаган эдимки, узоқдан бир ички ишлар ходими бакирганча югуриб келди. «Нима киляпсизлар, кетинглар бу ердан, кириш мумкин эмас», — дейди. Жиянумга қарасан кўзи боғдаги туйлар ҳайкалида. Мен ҳайрон бўлиб «Нега энди кетар эканмиз? Биз шу ерда турдим, ботғи айланганни келдик», дедим. Ички ишлар ходими эса «Хозир хоким кабинетларида, ойнадан қараса бор кўриниб турдид, одамларни айланниб юрганини кўриб колсалар, бизга гап тегади», — деса бўладими. Атрофда биздан ташкири нуроний онахонлар, ёш болалар, кечки салқинда айлангани чиқкан кўпчилик бор эди. Улар учун бу одатий хол шекилини нуронийлардан бирни «катталар»га инсоф тилаганча ортга қараб кетди.



Шу ўринда савол. Нима учун Сирдарёда истироҳат боғлари, хиёбонлар, ҳалқ дам олиш масканларига кириш пулли қилиб қўйилган? Мисол учун Тошкент шаҳридаги «Миллий бор», «Ғафур Ғулом» номидаги истироҳат боғи, Бобур номидаги бор, ҳаттоти «Тошкент ситига» ҳам кириш мутлако белуп. Одамлар хоҳлагунча айланниб юришибди. Гулистан марказий борига кириб шунчалик айланниб юришибди.

Ажабланарни томони, Гулистан марказий bogингни «нархномаси»да кириш ёш болаларга (7 ёшдан 14 ёшгача) 500 сўм, 14 ёш ва ундан катталарага эса 1000 сўм экани ёзилган. Мабодо «ҳалқ учун курилган» бу маскнага байрам тадбирлари вактида, Янги йил арафасида, Мустакиллик байрамида, Наврӯзда, Конституция кунида ва хокизаде байрамларда савдо дўкони ўрнатмоқчи бўлсангиз энг кам иш ҳақининг бир баробари микдорида пул тўлашингизга тўғри келади.

Яна бир қизиқ ҳолат. Англашимича, байрамлар вактида бокка кўлинингизда фотоаппарат билан кирмоқчи бўлсангиз энг кам иш ҳақининг 0,5 фоизида ҳаж тўлашни керак экан...

Билмадим, батзи улдабурон «катталар»лар яқинда одамлардан нафас олаётган ҳаволари учун ҳам пул ундиришини жорий этишишмаса бўлгани...

Азизбек АБДУМАЛИКОВ



«Дунёда зарур, бажармаса бўлмайдиган касблар қолганда эди, миллионлаб кишилар ишсизликдан очикка, мухтожликка маҳкум бўлур эди», дейди немис социологи Либерман. Зарур касблар дегандага олим шифокор, ўқитувчи, аскар каби касбларни санаб ўтади ва кўчада чақа-пулга этик тозалаб-мойлаб кун кўрувчини ёки тирноқ пардоузчани «зарур касб эгалари» сафига қўшмайди. Чиндан ҳам этигини ҳар ким ўзи артиб кетиши, пардоузмаган тирноқ билан ҳам яшайвериши мумкин. Аммо шифокор ёки муаллимсиз ҳаётнинг қуввати кетади, тараққиёт аробаси тўхтайди.

Аммо бугунги тараккий этган кишилил жамиятида касб турлари бенихоя кўп ва ҳар бирининг ўз ўрни бор. Уларсиз ҳаёт кемтиқдай бўлиб колади. Мисол учун, меҳнати кўзга кўринимас, арзимасдек тулувлувчи ошхона ва ресторандарда хизмат кила-диган официантларнинг меҳнати ҳам ўзига хос моҳият касб этиб колди. Бу касбни кўп холларда аёллар, кизу жувонлар бажаришида. Официант хизмати ҳакида ўйлаганимда, каминани ўйлантирган, ҳатто изтиробга

— Албатта, мендан кўп топиши керак-да. Унинг ярим харакатини кильсан, ўлиб коламан, — дейман Бахтиёрга.  
— Нечо соат шу зайл оёқдан осилиб туршиаркин?

Шу пайт Барно биринчи таомни кўтариб столимизга якинлаши.

Бахтиёр эса кутилмаганда уни саволга тута бошлади:

— Барнохон, синглим. Бир кунда неча соат ишлайсизлар? Иш кийин эмасми? Яхши тӯлашадими? Манави акангиз кизикялти, — Бахтиёр шўрвани столга

нинг онанг офицантми, отанг каерда?»  
Болакайнинг қалбидаги катта синиш (*бу синии Айсберг бўлиниб кетишидан фожиалидир*) рўй беради. Аччик устида синфодиши билан ёқалашади. Унинг хаммияти оғриди. Бобо-момосининг ўйига ёқавайрон кайтган болакайнинг ғамгин момоси каргаши тушади...

Бу гапларнинг хаммаси кечки 10-11 ларда ишдан хориб-толиб кайтган Барнога телефон орқали етиб келади. Барно ўзи билан бирга ижараҳонада турувчи, кисмати қарийб бир хил киз-жувонларга кўрсатмай, хаммомдами, ташкирига чишиб кетибми, ийғлаб олади. Унинг кизарган кўзлари хонадошларни бефарқ колдирмайди. Сўнг Барно ўзига якинрок бирорта билан сирлашади, дардлашади, тагин ийғлайди. У эртасига ўғилчасига замонавий телефон юборади. Ўғилчасининг инжиқланиб сўровига дош беролмайди, колаверса, онадан олисида ўсаётган

лизим бўлган жамият барпо этиш йўлидаги сиёсат, бетинин килинаётган ислохотлар амалга оширилаётган бугунгидек паллада биз тасвирини келтирган манзаралар (мен сира қўшиб-чартмадим, ҳақиқат шундай ва бундан ҳам нисунроқ бўлиши ҳам мумкин) ҳам мавжудлигини айтиши. Ва жамиятни унинг маънавий, моддий ечинини топишига ундашdir.

Албатта, камчиликлардан холи, хаёлдагидек ҳаёт хеч каерда йўк. Бизнинг саҳиҳ тупроқда, ҳар фаслининг ўз неъмати бўлган Ўзбекистонда хеч ким оч қолмайди, кашшок даражасига тушмайди. Бунга шубҳа йўк. Аммо унда нега оиласиди, маший муммомлар сабабидан катта-кичик фожиалар, кўнгилсизликлар содир бўлиб турибди? Сабаблари шундай: бетга айтганинг заҳри йўк, демишлар – аввало, одамларимиз беканоат бўлиб кетди.

Янгийўлда яшаб Тошкентни кўрмай ўтган оналаримизнинг фарзандлари бутун ер шарининг ҳар бир буржиди

# ИНСОН БАХТЛИ БЎЛИШИ КЕРАК... АММО ҚАЧОН?

солган бир жиҳат борки, шу хусусда фикримни айтмоқчиман.

Рамазон ойи эди. Чилонзордаги мўъжаз бир кафеда уч-тўрт нафар бирорада ифтоторлик киладиган бўлдик. Ва келишпитган вактда емакхонага кириб бордик. Табиикни, официант кошимизга келди. Рўздорд одамларнинг ҳар бир таомни сўраб, сурнгизириб, ижикилаб танлашига эхтиёж бўлигини кулок осиб турган жувон бизнинг буюргамизни ёзиб оларди.

Хали оғиз очиша бирон ўн дақика бўлгани бос, атрофлаги столларда худди бизга ўхшаб ҳаёлни овқатда бўлган хўрандаларни, тамаддихона хизматчилирини кузатиб турдим. Бизга хизмат килаётган офицант – Барно (*бу нинг кўксидаги ёрлиқчада битиган*) тагин бир қанча столлардан буюртма олди. Кафеда ундан бошка ҳам ўнга якин официант бўлса, уларнинг ҳар бири худди Барно каби зал узра учиб-қўниб, шошиб, аммо хато кильмасдан хизмат киларди. Очиги, кун бўйи давом этган ишдан, рўза таъсиридан бироз толикиб турганим учунни, ёши ўттизларга борган, албатта, бир-иинки фарзандни дунёга келтирган, тўллагина бу жувоннинг харакатига бокиб турбидикларни кетдим. Қандай улгуради, адашиб кетмайдими, энг ёмони тик оёқда, турли феъл-автодраг мижозларнинг сўзини тинглаб, кўпол килиб айтганда, ковогига қараб туриш осон эмас. Эҳ, ёшлик, эҳ, эхтиёж деган буюк куч, одамни бу қадар зирлилатиб юргутримас...

Мен ҳаёлим билан андармон турганимда Барно столимизга турли идишлар, чой-нон, шарбат, тарвуз келтириб кўйиб кетди. Оёқ товуши эшилтмайди. Шип-шип...

— Бахтиёржон, — дейман ёнимдаги шеригимга, — шу кизлар қанча маош оларканд-а?

— Ака, сиздан кўп олса керак. — дейди Бахтиёр ҳазил аралаш кулимишиб. — Нима эди? Сўраб берайнини?

тортаётган Барнога чапдастлик билан саволларни бериб улгурadi. Мен бироз ўнғайсизланаман.

Барно менга оғрингандек бир караб олади-да, шартта жавоб беради:

— Ўн соат ишлайман, ака. Ойликни уч-тўрт миллионга етказаман. Қийин бўйса ҳам наилож – бола-қақани бокиши керак?

Барно шундай дерқан, қандай тез келган, тез жавоб берган бўлса, шундай тезликда биздан узоклашади. Бошка мижозларга ҳам улгурниш керак. Унинг талағузидан Бухоро ёки Навоийнинг фарзанди эканини илғайман.

Официантларнинг маҳсус сарик либосида биздан узоклашиб бораётган жувонга бокиб турив, бир лахза унинг ўрнига аёлимни, синглимни кўйиб кўрдим ва... тириб кетдим. Бирок оғиз очиш вақти етган экан, шерiplар ундовида таом билан машғул бўлдик. Лекин уларнинг гап-сўзи қулоғимга чала-чулпа эшилтиларди. Аллакандай ҳасрат менин чўлгаб олганди. Аммо табиий рефлекс сабаб овқатланардим. Таомдан рўза бошлангандан бери ишлар лаззат тўймадим. Ишонасизми-йўқми, Барнонинг – эрек ўрнида эркак бўлиб рўзгор төбрататёган жувоннинг ўрнига киёслаб кўрганим аёлим, синглимнинг рафтори ҳаёлимдан кетмай қолган эди. Хуллас, таъбим хира бўлганди...

...Воқеанинг котланини ўзим тасаввуримда жонлантириб, ривожлантириб олдим: Барно ўз вилоятида турмушга чиқкан, фарзанд кўрган, эрдан ёлинимаган, рўзгорига дарз кетган. Сўнг ажрашган. Ҳозир унинг бир ёки иккита фарзанди ота-онасининг кўлида. Ўзи бўёқда. Пул топиб уларга юборади. Байрамларда боради тўлиб-тошиб. Мактабда ўқийдиган ўғилчаси синфодиши ўртоқлари билан ота-онаси ҳакида гаплашишини истамайди. Аммо китмири синфодиши уни саволга тутади: «Се-



гўдакнинг ўзгалардан кам бўлишини истамасликдек бир гаройиб ўзбекона туййу уни кичик мактаб ёшидаги болакайга телефон олиб беришига унайдайди.

Бола телефонга муқкисидан кетади ва унинг андармон паришионлигига шу телефон орқали бегона маълумотлар, гап-сўзлар кириб келади ва болани чалғитади. Барно аёл боши билан буни учнчалар чукур тушунмайди, таҳлил киншига вакт етишмайди. Нима бўлса ҳам болаларини оч, юпун, синиккан холда кўрмаслиги керак. Аммо кошки овқати ҳаёлимдан кетмай қолган эди. Хуллас, таъбим хира бўлганди...

Куриб кетсиз! Шу тарзда сочларга оқ инади, асаблар чирсиллаб узилади, умрлар ўтаверади.

Хуллас...

Ёдимга ўзбекнинг улуг шоирни Омон Матжоннинг сатрлари тушади:

*Масар бахтсиз бўлса битта аёли,  
Шу юрган эрларининг бари гуноҳкор...*

...Бу сўзларни айтмоқдан муддао нима? Муддао янги Ўзбекистонда бирорта ҳам одам эътиборсиз колмаслиги

кезиб юрибди. Улар орасида аёллар сони эрқаклардан кам эмас. Замонавий, глобаллашган дунёнинг талаби шу эканини тушунмади, бирор ўшаларнинг ҳар бирини гапга солсантиз, аввало моддий етишмовчиликдан нолиб гапиради. Ваҳоланки, ўз юртимизда ишлаб ҳам биноидек ҳаёт кечириш мумкинлигини миллионлаб юртдошларимиз мисолида кўришимиз мумкин.

«Инсон бахтли бўлиши керак, мабодо у бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдор», деган экан Толстой. Шу маънода оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришини хушлайдиган, озигина сабр, чидам етишмайдиган, ҳалол, завкли меҳнат килишга бўйни ёрбадигандар хам бисёр. Ва, албатта, мисол келтирганим кафе хизматчиининг турмуш тарзи ҳам ўзимизни – бизга тегиши масала. Азбаройи бу хотин-кизларнинг аксарияти мажбурият чиқарган карорга бўйсуниб уларидан олисида юрибди-лар.

Гендер тенглиги деймиз, аёллар хукуки хусусида фикр юритамиз. Аммо боз айтмоқчиман: уларнинг моддияти бизнинг дўйримизда сирайн муммомга айланмайди, яратувчан, эли халқимиз очлика йўлиқмайди. Бироқ бундай ҳолатлар маънавий-рухий ўпирлишларни келтириб чиқаради. Уларнинг фарзандлари, ота, ака-укалари ҳаётида билинмай турбиди. Сифати ўзгаришиларни ҳам бўлибди. Натижада бу каби кичик, муйян бир оиласидан гапшидаги мубҳам губор жамият кишиларининг ҳаётига сездирмай кириб боради. Ҳаёл деган, муслималик деган азал кадрияларга дарз кетади. Ва хоказо... Кизиги, бу каби аёлларнинг ҳар бирини мустакил ўрганиб, уларнинг майший ҳаётини изга солиб юбиришга бизнинг мамлакатимизнинг имконлари етарлидир.

Бунга 2020 йилдек синовли келган кунларда амин бўлдик. Факаттана масъулларимиз, тегиши ижтимоий таҳлил институтлари, маҳалла каби ташкилотларнинг мутахассислари бирор тер тўкиши керак.

Шодмонқул САЛОМ

**Халқимиз яна бир севимли фарзандини йўқотди**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Қаюмов 51 ёшида вафот этди.

Таниқи сухандон ва санъаткор Шуҳрат Қаюмов узоқ йиллар Ўзбекистон телевидениесида фаолият кўрсат-

ган. «Ассалом Ўзбекистон», «Оҳанрабо» кўрсатувлари орқали миллионлаб музислар қалбига кириб борган.

Тахтирияни музисларга жамоаси марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, олий тоифали сухандон Шуҳрат Қаюмовни кўпчилик фақат шу хислати орқалигина таниган эди. Кейинчалик хонанда сифатида ҳам халқнинг қалбидан мунособ жой эгаллади. Аммо унинг моҳир педагог экани балки кўпчиликка унча маълум бўлмаса керак.

**ҲАЁТ ДАРСИДАГИ САБОҚЛАР**

Шундай инсонни куни кечга сўнгти манзилга кузатдик...

Ундан унтутилмас хотиралар қолди.

Ҳазрат Навоий: «Ҳак йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо оининг ҳакин юз ганж ила», дега васф килган эдилар. Бу хотиралар устоз Шуҳрат Қаюмовдан сабоқ олган минглаб инсонларнинг бирни сифатидаги ёднома битикилардир. Максадимиз – ҳар бир инсон ҳаётни давомида шундай яшаса, лоақал биргина кишига тириклик сабогидан бир ҳарф ўргатса, умри зое кетмаган бўлади. Шуҳрат Қаюмов эса, умрининг ҳаммасини шундай ҳайрли ишларга сарфлай олган инсонлардан бири эди.

**Нафас олишини ўргандик**

Бу воеага ўн беш йилча бўлди.

Институтда «Шуҳрат Қаюмов келиб дарс бераркан», деган хабар тарқади. Бир куни кайсибир тадбирда меҳмон сифатида Шуҳрат аканинг ўзлари келиб катнашдилар. Ҳалқимизнинг севимли санъаткори, машхур инсон бир чеккада жимигина тадбирни кузатиб ўтириди. Кўпчиликнинг нигоҳи унда эди. Тадбирдан сўнг домлалар Шуҳрат Қаюмовнинг дарс бериши ҳақидаги гапларга аниклик киритишиди. Олий тоифали сухандондан илтимос килингани, улар ҳам Аллоҳ йўлида килинажас бундай ҳаракатда кўлидан келганича ёрдам беришига розилик билдирганини эълон килишиди. Шуҳрат ака талабаларнинг олдинга чиқариб, «Қани, нафас олишн-чи?» деди. Талаба ўпласини тўлдириб нафас олди. Кейин нафасини минг бир ҳаяжон билан елкаларини силкитганча чиқара бошлади.

Нотиқлик ва унинг моҳияти, ҳаётий зарурати, нутқдан фойдаланишнинг айниқса бизнинг касбимиздаги ҳамамиятни хакида тушунчалар бергача, бизга ҳеч кутилмаган савол бердилар.

– Биз ҳаётимиздаги жуда кўп нарсаларга унча ҳамамият бермаймиз. Лекин ўзимизча кўп нарсанни биламан деб хисоблаймиз. Оддий нарсаларга эътиборсизлигимиз катта неъматлардан маҳрум қолишимизга сабаб бўлади. Масалан, биз қандай нафас оламиш? Шу ҳақда ўйлаб кўрганимисиз?

Аудитория сув қўйгандек жим. Бу биз учун жуда ғалати савол эди. Қандай нафас олардик? Шу, ҳамма қатори ўпкамиз билан нафас оламиш-да!

Шунда Шуҳрат ака талабалардан бирини олдинга чиқариб, «Қани, нафас олишн-чи?» деди. Талаба ўпласини тўлдириб нафас олди. Кейин нафасини минг бир ҳаяжон билан елкаларини силкитганча чиқара бошлади.

– Нафас олганда энг фаол аъзо бу ўпка деймиз. Аслида эрқак киши тўғри нафас олганда корин бўшлиғи кўпроқ иштирок этди. Ишонмасангиз буни ўзингиз текшириб кўришингиз мумкин. Масалан, ухлаганингизда қандай нафас оламиш? Ҳозир буни ҳаммамиз бирга кўрамиз.

Кейин ҳалиги талабани парта устига ётқизиб нафас олишини буюрди. Талаба ҳамманинг кўз олдидаги корнига нафас йигиб, сўнг уни бўштаганини кўриб турдик.

– Ухлаганда инсон ўзини бошқармайди ва тўғри нафас ола бошлайди. Корин бўшлиғига нафас йигилади ва у бир месъёда секин-секин тўғри таксимлаб чиқарилиди. Нутқ жараённида эса, олинган нафас матнинги маънно жихатдан тўхталиш жойигача етишига ҳамамият карашиб керак.

Шунда биз шунча йиллардан бири нотўғри нафас олиб юрганимизни пай-қаганимиз... Шуҳрат Қаюмов ҳамманинг кўз олдидаги, лекин ҳеч ким ҳамамият бермайдиган ҳақиқатни бизга усталик билан кўрсатиб, асослаб берган эди.

**“Биз ҳаётимиздаги жуда кўп нарсаларга унча ҳамамият бермаймиз. Лекин ўзимизча кўп нарсанни биламан деб хисоблаймиз. Оддий нарсаларга эътиборсизлигимиз ҳаётимиздаги катта неъматлардан маҳрум қолишимизга сабаб бўлади. Масалан, биз қандай нафас оламиш? Шу ҳақда ўйлаб кўрганимисиз?”**

Аудитория сув қўйгандек жим. Бу биз учун жуда ғалати савол эди. Қандай нафас олардик? Шу, ҳамма қатори ўпкамиз билан нафас оламиш-да!

рининг кадрини билишмайди. Ундан қандай фойдаланишнига ахамият килишмайди. Шунчалик нодир овозни хор килиб, бўғилиб ё чийиллаб гапиришади. Шундай овозларни эшиким, худди яп-янги машинани кимдир кўпол килиб кириб ташлагандай таассурот колади менга. Мана, масалан, мен (у шундай деб овозини дарров ўзгартириб оларди) овозимни бузуб гапирсам нима бўлади? Овоз хотини кишиникига ўхшаб колиби, деб ҳамма устимдан кулади. Тўғрими? Мана, ҳозир сизларга ҳам бу овозим кулгили туоялпти. (Энди у яна ўз овози билан давом этди) чунки одамлар менинг ҳақиқий овозим қандайлигини билишади. Бузилган овозни кабул килишмайди...»

Бизнинг овозимизни созлаш, машқ килдириш учун асосан Эркин Воҳидовнинг шеърларини тавсия килардилар. Үкишимиз маромига етмаса, бирдан кутилмагандан сўраб қолардилар: «Сизни биринчи синфга ким олиб борган?» ёки «Онангизни яхши кўрасизми?» Энди биз ҳаёлан илк бор биринчи синфга чиқкан кунларимизни эслаб кетардик. Ҳаяжонланардик. Кўмсардик. Бир амаллаб иккичу жумла гап айтиб берардик. Шунда Шуҳрат ака «Ана, кўрдингиз? Ҳозир жойингиз камайиб қоладими?» деб инғиб менга бакириб кетди. Дастрлаб нима ҳақида гап бўлаёттанини илгаётладим. Кейин, ўша кизнинг онаси менинг олдимга келиб вальс тушишини таклиф килгани, мен унинг таклифини рад этганин эсмiga тушди. Тўйда ҳар хил одам бўларкан-да. Мен бегона бир аёл билан ўйин тушиб юришини тасаввур ҳам киломайман. У эса, ўзини камситилган хисоблаб ҳафа бўлган экан.

**Менга «Сиз Ҳажга боргансиз-а? Нега ҳалиям қўшиқ айтасиз?» деган саволни жуда кўп беришади. Баъзан бундай саволлардан зада бўлиб кетади одам.**

«Эй, барака топгулар, менинг устозларим бор. Катта уламоларнинг маслаҳатини олганман. Улар менга сиз айтиётган гапни айтишмаган», деган сўзларни тушунтиrolмай қийналиб кетаман...

Бир йили ўкишга кириш натижалари эълон килинганда Шуҳрат акани университет олдидаги кўриб қолдик. Қизлари ўкишга имтиҳон топширган экан. Шуҳрат ака машинада қизларини олиб келиб, натижаларни кўриб яна кайтиб кетдилар. Ўшанда бутун эл танийдиган Шуҳрат Қаюмов «мен фалончиман, кизимни ўкишга киритмоқи эдим», деб бирон кишига бирон марта оғиз очмаганини билганимиз. Аслида Шуҳрат акада мол-давлат ҳам, таниш-билиш ҳам етарли эди. Лекин у ҳаётда ўз тавриодати бор инсон эди. Бундай ишларни килишга вижжони йўл кўймасди.

**Самимият зарурати**

«Овоз Аллоҳ берган бир неъмат, дерди Шуҳрат ака. – Лекин кўпчиликимиз унинг кадрига етмаймиз. Мен турли жойларда юрганимда жуда яхши овозга эга инсонларни кўраман. Улар негадир Аллоҳ берган нодир овозла-

Бир нарсанни билиб кўйишингиз керак: гапингизнинг таъсири биринчи навбатда турмуш ўртоғингизда сезилиши керак. Сиз унга яхши ва чиройли гап билан таъсириришни кила олмасангиз, иш уриш жанжалга ўтиб кетади.

Нутқ фақат саҳнада ё кўпчиликнинг олдидаги турбонлик билан бошқаларни қойил колдириш дегани эмас. Аввало, оилангиз, аҳли аёлнингиз, фарзандларнингиз сизнинг нутқингиз таъсиранглигини хис килимас, шундан фойда топмас экан, бошқаларга гапиргандан ҳеч маъни ўйқ. Буни эсдан кичармаслик керак...

Ҳаёт ҳикматига йўғрилган бундай сабокларни Шуҳрат Қаюмовнинг хар бир дарсидан олиш мумкин экан. Энди ўйлаб қарасам, Шуҳрат аканинг бутун умри киска бир дарсадай ўтибди. У бутун умрини халқнинг назарида ўтказди. Бирордан уяладиган, ҳижолат бўладиган гап айтимади, иш қилмади. Умрини ҳамма рози бўладиган тарзда яшаб ўтказшига ҳаракат килди.

Шер, тулки ва бўри ўзаро келишиб, овга чиқишиди. Улар бир-бирларига ёрдамлашиб, ўлжаларни осонгина кўлга киритиши режалаштиришган эди. Ўрмон кироли шер бу хамрохлари билан ов килишга ор киласда, шерникликка рози бўлди. Бўри ва тулки, баҳайбат шер ортидан эргашдилар.

## ХУШЁР ТУЛКИ

Улар ёввойи хўқиз, эчки ва күён овлащи. Ўлжаларни ўрмона олиб кирдилар. Бўри билан тулки жуда очиккан, ўлжалага караб, оғизларинг суви оқарди. Буни сезган шер ичидан «Кўрамиз, сизга нима тегаркан?», деб кўйди. Бўрига караб: «Эй кари, тажрибали бўри. Ўлжаларни ўзинг таксимлагин-чи, адолатингни бир кўрайли», деди.

Бўри ўзича таксимлашга киришиб, шерга: «Мана бу ёввойи бузоқ сенинг улушинг, эчки менга, кўён эса тулкига тегади», деди. Шер фазаб билан: «Эй бўри, менинг ҳузуримда ўзингча «бу сенга, бу менга» деб

таксим киляпсанми? Менинг ёнимга кел-чи, сенга ким эканимни билдириб кўйай!», деди. Бўри у тарафга якинлашар экан, шер панжаси билан бир уриб, унинг бошини ёрди. Кейин тулкига караб: «Кани, энди сен кел. Ўзинг адолат билан таксимла!», деди. Тулки: «Эй тенги йўқ шер! Мана бу семиз хўқиз сизнинг ионуштангиз, эчки тушлигингиз, кўён эса кечга яраб колар», деди. Шер бу таксимотдан мамнун бўлиб: «Эй тулки, сен бундай оқилана таксимлаши қаердан ўргандинг?», деб сўради. Тулки: «Бўрининг бошига тушган нарсадан ўргандим!», деб жавоб берди.



**Ижтимоий тармоқлар оралаб...**

## ОНА - буюк мадраса

Бола 20 рупийдан никоб сотяги. Бир мижозга юзланниб:

- «Амаки никоб олинг», деди.
- Мижоз эса уни масхаралаб деди:
- «Никоб олишига пулим йўю».
- «Бепул олаверинг», деди болакай.
- «Онангни жаҳди чикмайдими?»
- «Онам, «Хозир ёмон қасаллик тарқалган, пули бўлмаган одамларга никобни текинга бер», деганлар», деди болакай.



У – она. У – ахлоқ мадрасаси. У – яхшилик килиши инкоризга юз туттган замонда яхшилик улашиш фурсатини бой бермаслини ўргатадиган буюк мадраса.

Оналар жамиятнинг ярмидир. Колган ярми эса улардан туғилганлар.

## ХОТИНКОТИБА (ҳажсия)

Худо сийлаб ёғлиқкина ишга жойлашиб қолдим. Тўғриси мактабниям коридорда тутгатганимиз. Олий ўкув юрти эса тушларимизга кў-ўўп кирган. Үндаям фактат кизлар билан сайр килганимиз холос.

Ишга таниш-билиш килиб жойлашгач, пойттахт сари отландим. Отланишга отландим-у хотин отни аллакачон елдирib кеттанини англадим. Ёлғиз кетмайсиз деб туриб олди. На илож, колаверса хозиргача хотин билан тортишувда ютиб чиккан эркак топилмайди.

Хулласи лавозимга ўтирганим қувончи хам бир пул бўлиб йўлга чикдим. Тўғрида ўзинги бошлиқ бўлсанг-у сенга буйруқ берадиган хотининг хам бўлса...

Биринчи иш кунига чиройли кийимларда кузатган хотин нималаридир деб кўзида сўзлаб кўйди. Ҳаммасини тушундим... бу дегани мабодо бирорга кайрилиб боксангиз ўлдингиз дегани эди.

Ишхона билан танишув бўлди биринчи кун. Ходимлар билан танишдим. Хуллас, котиба ишдан таътил олиб кетган экан. Ҳалича ўрнига номзод йўқ эмиш.

Котибасис раҳбар? Дарров икки энлик эълон ёзиб кўйдик.

Кечкурун ишдан кайтгач суд бошланди. Хотин кишига ҳар нарса яратадилямда. Судниям жуда койиллатиб кўйди. Ичимда сир-асор колдирмай сотиб кўйдим. Охирида... судя ўзини ўзи котибаликка тайинлаш бўйича карор чикарди.

Хотиним котиба, мен эса бошлиқ бир идорани бошкара бошлиқиди. Хотин котиба бўлгач на уриша оласан, на эрак... йўғе, на бирор ишни истаганча буоря оласан. Мабодо кўпроқ иш буордингни уйда тинчлик бузилади. Ҳамма иш ўзингга колади.

Бир хафтада ҳаммаси изига тушиб кетди. Сабаби уй ишлари ўзимга колди. Тағин болалар тарбияси. Хотин эса ҳам идорада бошлиқ, ҳам котиба бўлиб ишламоқда.

Шу ўринда икки энлик наисхат шеър:

Худо сийлаб бошинга қўнганида бахт қуши.

Баланд курсилардан жой топилганда эркакка.

Майли не сўрар обер, тилодан қўслин тишин.

Лек хотин ишларингга қўшилмаслик керак-да...

Нурилдин ЗИЁ

## QILA DAVRASIDA

Mustahk ola – yurt layenchi

«Оила даврасида» газетаси  
таҳририяти» масъулияти  
чекланган жамияти

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Қасаба учушиблари федерацияси Қенгаши; Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий қенгаши; «Ўзбекстелеком» акциядорлик компанияси; «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти; «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси; Акциядорлик тижорат «Алокабанко».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган. Газета 2012 йил 20 апреда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 0814-рекам билан рўйхатта олинган. «Шарқ» напримбет-матбаба акциядорлик компанияси босхахонасида чон этилди.

Босмакона манзуси: Тошкент шахри, Буюк Турон ўчиши, 41.

### Бош муҳаррир

Хусниндин  
БЕРДИЕВ

### Таҳририят маизили:

Тошкент шахри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-йй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терниди ва саҳифаланди.

Бумрот: Г-93  
ISSN 2181-6190

Обуна индекси — 193

Алали: 1 649 нусха.

Нарх: келинчук асосида.

Коғез бичмиши А-3, ҳажми 2 босма табоб.

Офсет усулда боснаган.

Чон этинга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190

47723181619005

1234 6

## ЖАВОҲИР



Мухаммад РАҲМОН

\* \* \*

Қўп кўрганман жазавангни,  
шовушингни,  
Кўтмармасанг бўлармиди  
төвушингни.  
Насиҳатинг учун куллук...  
Ўнгу төрсдири,  
Тўғри кийиб олгин, болам,  
ковушингни.

## ЛАТИФА

### ИНТЕЛЛЕКТ ЎҒРИНИ ТУТИШ

Хозир турли камералар мулкимизни асрарда яқиндан ёрдам беряпти. Илгари замонларда инсон вазифани ҳайвонлар орқали амалга оширган. Масалан, пойлокчи ичлар халигача шу вазифани бажарип келади.

**Савол:** Қадимда итдан ташқари яна бир ҳайвон «ўғрини тутишига ёрдамлашгани ҳақида хабарлар бор. У қайси ҳайвон?

**Жавоблар** келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача кабул килинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz  
Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 10 сентябрь 37-сонида берилган саволнинг жавоби:  
Таҳририл шифокор Ватсон дўстидаги қасб тақоғосига кўра юзага келган ҳайланни сезиб қолили мумкин эди.

– Ҳа.


– Мана бу рўйхатдаги дорилар ҳам қолмаган. Олиб келдингизми?

– Ҳа.

– Енингизда турган оқ ҳалатли йигит ким?

– Ҳар эҳтимолга қарши врачи ҳам ўзим билан олиб келдим.

## ЎТКИР НИГОХ



Онлайн дарс...

Махмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.